Кишининг ўзига тегишли бўлмаган нарсани тарк этиши унинг исломининг – гўзаллилигидандир», – дедилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кишининг ўзига тегишли бўлмаган нарсани тарк этиши унинг исломининг – гўзаллилигидандир», – дедилар.
[Имом Нававий: «Ҳасан ҳадис», деган] [Термизий ва бошқалар ривояти]

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам баён қилдиларки, мусулмон кишининг исломдаги гўзал хулқларидан ва иймонининг комиллигидан – дин ёки дунёга оид бўлишидан қатъий назар, уни қизиқтирмайдиган, унга тегишли бўлмаган ва фойда келтирмайдиган сўзлар ва ишлардан узоқ бўлишидадир. Чунки инсонни қизиқтирмайдиган нарсалар билан банд бўлиши, уни ўзи учун зарур бўлган ишлардан узоқлаштириб қўйиши ёки тарк этиши лозим бўлган ишларга уни етаклаб қўйиши мумкин. Албатта, қиёмат куни инсон ўз амаллари учун жавоб беради.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/65255